

**Қурилиш объекти устидан назорат
вазифаларини амалга ошириш учун
479-сон Оммавий оферта**

Урганч ш.

2021 йил «30» декабрь

Биз, қуйидаги имзо чекувчилар, Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси, кейинги ўринда “Ижрочи” деб номланади, унинг номидан Низом асосида асосида ҳаракат қилувчи **М.Аллаберганов**, биринчи томондан ва қуйидаги “БУЮРТМАЧИ” деб номланади, Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» шўъба ширкати иккинчи томондан, Низом асосида ҳаракат қилувчи **К. Рахимовлар** мазкур оммавий офертани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

ОММАВИЙ ОФЕРТА ПРЕДМЕТИ

Мазкур оммавий оферта Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.09.2019 йилдаги ПҚ-4464 сонли қарорларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.05.2018 йилдаги 370-сон, 28.05.2020 йилдаги 343-сон, 20.08.2020 йилдаги 496-сонли Қарорларига асосан тузилган ва қурилиш-монтаж ишлари сифати устидан назоратни амалга ошириш шартлари ва тартибини белгилаб беради.

1. ИЖРОЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1.1. Қурилиш объекти Хоразм вилояти Урганч тумани Чўлобод МФЙ ҳудудида қуриляётган кўп квартиралли ўй-жойлар учун ички автомобил йўллари ҳамда педдалар йўлакчалари қурилиши бўйича қурилиш-монтаж ишларининг сифати устидан танлаб назоратни амалга оширади.

1.2. Оммавий оферта тузилган, рўйхатга олинган ва қурилиш объекти бўйича ишларни бажариш учун хабарнома берилган санадан умуман бажарилаётган ишлар зилзилабардошлик, лойиҳа ҳужжатлари, ШНҚ, ҚМҚ талабларига мос келиши юзасидан танлаб назоратни амалга оширишга киришади, ижро этилиши мажбурий бўлган йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш тўғрисида талабномаларни беради. Зарур бўлганда ишларни паст сифатда бажарилаётган объект қурилишини тўхтатиб қўяди, белгиланган тартибда чоралар кўради, объектни фойдаланишга қабул қилиш бўйича ишчи ва давлат комиссиясида иштирок этади.

2. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техникавий тартибга солишнинг норматив ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг сифати ва тўлиқлиги юзасидан назоратнинг амалга оширилганлиги учун инспекцияга яъни “Ижрочи” га ажратмалар “Буюртмачи” томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда тўловлар амалга оширилади.

Смета ҳисоб-китоби мавжуд бўлмаган тақдирда ажратмалар суммаси илгари рўйхатдан ўтказилган объектлардаги каби белгиланади.

“Ижрочи” қурилиш объектига тўсикларсиз кириш, лойиҳа ва ушбу объектнинг бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш имконини таъминлайди.

2.2. “Ижрочи”нинг назорат ишларида қурилиш-монтаж ишлари ва қўлланилаётган қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларнинг сифати бўйича пайдо бўладиган саволларни ҳал этиш учун масъул вакиллар - қурилиш иштирокчилари ва буюртмачиларни таъминлайди.

2.3. Буюртмачи оммавий офертанинг барча шартларига ўз вақтида риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, шунингдек бажарилган лойиҳавий ечимларга мувофиқ бажарилган қурилиш-монтаж ишлари сифати учун тўлиқ жавобгар бўлади ва ўз вақтида ҳақ тўланишини қафолатлайди.

2.4. Хабарнома берилган асосларда шартлар ўзгартирилган тақдирда (ишлар бажарувчиси, объектда техник назоратни амалга оширувчи шахсларнинг алмаштирилиши, лицензиянинг амал қилиш муддати тугаши, лойиҳавий ечимларнинг сезиларли даражада ўзгариши, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 4 моддаси талаблари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига монелик қилса ва х.к.лар), “Буюртмачи” 10 кун ичида “Ижрочи” тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиши керак.

Оммавий офертанинг ушбу шarti белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда Ижрочи томонидан қурилиш-монтаж ишлари учун берилган хабарнома ўрнатилган тартибда тўхтатилади ва бекор қилинади.

2.5. Оммавий оферта асосида “Ижрочи” томонидан бажарилган хизматлар учун лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишлари қийматидан (қўшимча қиймат солиғисиз) келиб чиққан ҳолда, объектлар мураккаблиги тоифасининг таснифига мувофиқ 0.2 фоиз миқдорда ҳақ тўлайди, бу қуйидаги миқдорни ташкил қилади

1 344 096 (бир миллион уч юз қирқ тўрт минг тўқсон олти) сўм.

2.6. Смета қиймати индексацияланиши муносабати билан “Буюртмачи” қўшимча равишда қурилиш-монтаж объектларининг амалдаги тўловлари ва ҳисобот маълумотлари ўртасидаги фарқни тўлайди.

2.7. “Буюртмачи” мазкур оммавий офертани имзолаган кундан бошлаб **10 кун муддат ичида** жорий календар йили учун туланиши лозим булган сумманинг (ажратманинг) **30% фоиз** миқдоридagi бунакни (аванс) **403 229 (тўрт юз үч минг икки юз йигирма тўққиз)** сумми миқдоридa «Назоратчи»нинг ҳисоб рақамига утказиб беради. Қолган **70% фоиз**, объектда қурилиш-монтаж-ишлари яқунлангунча тўлов амалга оширилади.

2.8. Оммавий офертани муддати 2021 йил 31 декабр гача.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Мазкур оммавий офертанинг 2.5 бандида кўрсатилган тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун “Буюртмачи” “Ижрочига” ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,4 % миқдори ҳисобидан, лекин муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 %дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди. “Буюртмачи” томонидан хизматлар ҳақи тўланилиши таъминланмаганда, кейинчалик “Ижрочи” томонидан қонунда ўрнатилган тартибда оммавий офертанинг бекор қилишгача хизматлар кўрсатилиши тўхтатилади.

3.2. Томонларнинг мазкур оммавий офертада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрларига мувофиқ қўлланилади.

4. ФОРС-МАЖОР

4.1. Форс-мажор ҳолатлари пайдо бўлганида ва улар ўрнатилган тартибда лозим даражада расмийлаштирилганда томонлар мазкур оммавий оферта бўйича жавобгарликдан озод этиладилар.

4.2. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари расмий бартараф этилганидан сўнг томонлар оммавий оферта бўйича муносабатларини қайта тиклайдилар.

5. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

5.1. Мазкур оммавий офертани ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилишда ҳамда зиёнларни қоплаб бериш юзасидан томонлар ўртасида пайдо бўладиган келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади; музокаралар йўли билан низолар ҳал этилмаганда “Ижрочи” даъво келтириш тартибида иқтисодий, ҳакамлик ва бошқа судларга “Буюртмачига” хабар бергандан сўнг, мурожаат қилиши мумкин.

5.2. Юридик манзил, банк реквизитлари ўзгарганда ва бошқа ўзгаришларда томонлар бу ҳақда бир бирларини 10 кун ичида дарҳол ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

5.3. Мазкур оммавий оферта бир хил юридик кучга эга 2 та нусхада тузилган.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

“БУЮРТМАЧИ”

Хоразм вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи
хизмати инжиниринг компанияси
Урганч ш. “Ал-Хоразмий кўч. 23-уй
шх/р: 304521860334017045129118134
ИНН:204821497 ОКОНХ:69000
Молия Вазирлиги Газначилиги ягона
х/р: 23402000300100001010 МФО: 00014
ИНН: 201122919 «Марказий банк» Тошкентшаҳар
Бош ХККМ
Электрон манзил

“ИЖРОЧИ”

Хоразм вилояти қурилиш
Соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси
Урганч ш. “Ал-Хоразмий кўч. 30-уй тел:223-08-24
X/P20210000300565625001
АТВ “InFinbank” Хоразмфилиали
МФО: 01129 ИНН: 201822370
xorazmgasn@mail.ru



Бош юрист: Т.Каримов

Бош юрист: Ш.Джуманиязов

М.Ў.

Бош юристконсульт: Т.Каримов

Масъул ижрочи: Ф.Ахмедов

